

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13630632>

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

Эргашев Сардорбек Фахриддинович

Аннотация: *Мазкур мақолада тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқаришда қандай кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиниши, шунингдек кредит ажратиш бўйича фаоллик коэффициентига риоя қилиш, банк кредит портфели таркибида кредитларнинг сифатини таъминлаш, муаммоли кредитларни бартараф этиш йўллари, кредит портфелининг тармоқ ва соҳалар бўйича диверсификациялаш бўйича меъёрларни қўллаш каби масалалар ўрганилган. Таҳлиллар асосида тегишли хулосалар шакллантирилган ва илмий-амалий таклифлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *кредит, кредит портфели, кредит rischi, кредит сиёсати, муаммоли кредитлар, диверсификация.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются такие вопросы, как анализ, на основе каких показателей используется эффективное управление кредитным портфелем в коммерческих банках, а также соблюдение коэффициента активности по выделению кредитов, обеспечение качества кредитов в кредитном портфеле банка, способы устранения проблемных кредитов и применение стандартов диверсификации кредитного портфеля по секторам и отраслям. На основе анализа были сформированы соответствующие выводы и представлены научно-практические предложения.*

Ключевые слова: *кредит, кредитный портфель, кредитный риск, кредитная политика, проблемные кредиты, диверсификация.*

Abstract: *This article discusses issues such as analysis of what indicators are used to effectively manage the loan portfolio in commercial banks, as well as compliance with loans expansion ratio, ensuring the quality of loans in the bank's loan portfolio, ways to eliminate problem loans and the application of loan portfolio diversification standards by sector and industry. Based on the analysis, appropriate conclusions were drawn and scientific and practical proposals were presented.*

Key words: *loan, loan portfolio, credit risk, loan policy, problem loans, diversification.*

КИРИШ

Банк тизими молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири тижорат банкларининг кредит портфелини самарали бошқариш бўлиб, чунки кредит институтлари томонидан тақдим этиладиган кредитлар замонавий иқтисодиёт ўсишининг муҳим таянчи ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банклари активлари таркибида энг асосий улушни кредит операциялари ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, банк даромад манбаининг асосий қисми кредитлар орқали шаклланишидан далолат беради. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кредит портфелини самарали бошқаришда унинг самарадорлик кўрсаткичлари ва кредит рискинни баҳолаш, диверсификация даражасини таъминлаш, муаммоли кредитлар юзага келиш ҳолатларини мунтазам ўрганиш ҳамда таҳлил этиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Кредитлаш аксарият тижорат банкларининг асосий бизнес манбаи ҳисобланади. Кредит портфели эса, одатда энг катта актив ва асосий даромад манбаи ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, мазкур фаолият тури банк хавфсизлигини таъминлашга қаратилган энг катта риск манбаи ҳамдир.

Кредит портфелини самарали бошқариш банк хавфсизлиги ва фаолияти барқарорлигини таъминлаш учун асос ҳисобланади. Кредит портфелини бошқариш бу кредитлаш жараёнига хос бўлган хавфларни бартараф этиш, бошқариш ва назорат қилиш жараёнини ўз ичига олади. Кредит портфелини самарали бошқариш алоҳида олинган кредитлар бўйича рискларни назорат қилишдан бошланади. Мижозлар учун қулай кредит шартларини сақлаб қолиш учун рискни оқилона танлаш ва кредит сифати ҳамда унинг назоратига эътибор қаратиш жуда муҳимдир.

Ҳозирги вақтда банк тизими барқарорлигини таъминлаш билан бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, банклар капиталлашув даражасининг сустлиги, банк соф фоизли даромадлари миқдори ва рентабеллик даражаси бир меъёрда эмаслиги, банк умумий капиталининг ялпи активларга нисбатининг пасайиб бориши, ялпи ички маҳсулот ҳажмида банк ялпи активлари, ялпи кредитлари ва ялпи капитали салмоғининг нисбатан пастлиги каби омиллар банк тизими барқарорлигини таъминлашга таъсир этмоқда.

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон банкларидаги жами муаммоли кредитлар ҳажми 16 трлн 621 млрд сўм бўлиб, бу декабрь ойидаги кўрсаткичлардан қарийб 1 трлн сўмга камроқ. Бу жами банклар умумий кредит портфелининг 3,8 фоизини ташкил этади [1].

Умуман олганда, 2023 йил давомида муаммоли кредитлар ҳажми 2,6 трлн сўмга ортган. Аммо уларнинг умумий портфелдаги улуши 0,1 фоизга камайган. 2023 йилда асосан хусусий банклардаги кечикаётган кредитлар миқдори ортган бўлиб, 2 трлн сўмни ташкил этган [1].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш мураккаб вазифа бўлиб, авваломбор назарий асосларини чуқур тушуниш ва амалий кўникмаларни билишни талаб қилади. Бунга мисол сифатида қуйидаги бир нечта асосий тушунчаларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Рискни баҳолаш:

* Кредит rischi: Қарз олувчининг кредитни тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олмаслиги эҳтимолини англатади.

* Кредит riskини баҳолаш усуллари:

* Молиявий таҳлил: Қарз олувчининг тўловга лаёқатлилигини аниқлаш учун унинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш.

* Кредит тарихи: Қарз олувчининг кредит тарихини, шу жумладан олдинги олинган кредитлари ва амалга оширган тўловларини баҳолаш.

* Кредит скоринги: дефолт эҳтимолини прогноз қилиш учун статистик моделлардан фойдаланиш.

* Кредит riskининг турлари:

* Дефолт rischi: Қарз олувчининг ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги хавфи.

* Кечиктирилган тўлов rischi: Қарз олувчининг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва муддатида бажара олмаслик хавфи.

* Гаров қийматини йўқотиш rischi: Гаров қийматининг қарз миқдоридан кам бўлиши хавфи.

2. Диверсификация:

* Riskларни тақсимлаш: риск концентрациясини камайтириш мақсадида кредитларни турли секторлар ва минтақалар бўйича жойлаштириш.

* Диверсификация турлари:

* Тармоқлараро диверсификация: кредитларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига жойлаштириш.

* Минтақавий диверсификация: кредитларни турли ҳудудларда жойлаштириш.

* Кредитнинг турлари бўйича диверсификация: Ҳар хил турдаги кредитларни тақдим этиш (масалан, истеъмол, тижорат).

3. Фоиз riskини бошқариш:

* Фоиз rischi: фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида кредит портфелининг қийматига таъсир қилиш эҳтимоли.

* Фоиз riskини бошқариш усуллари:

* Фоизли своп: фоиз ставкаларини олдиндан фиксирлаш имконини берувчи молиявий воситалар.

* Фоизли фючерслар: Қимматли қоғозларни келажакда қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш бўйича шартномалар.

4. Ликвидлиқни бошқариш:

* Ликвидлиқ: активларни тез ва осон нақд пулга айлантириш қобилияти.

* Ликвидлиликни бошқариш усуллари:

* Кредитни қоплаш муддатини бошқариш: Етарли ликвидлиликни таъминлаш учун кредит тўловларини мувозанатлаш.

* Кредит линияларидан фойдаланиш: зарур ҳолларда қўшимча маблағлардан фойдаланишни таъминлаш.

5. Моделлаштириш ва прогнозлаш:

* Кредит rischi моделлари: дефолт эҳтимолини башорат қилиш ва йўқотишларни баҳолаш учун ишлатилади.

* Прогнозлаш: Келажакдаги иқтисодий шарт-шароитлар ва уларнинг кредит портфелига таъсирини таҳлил қилиш.

6. Норматив-ҳуқуқий база:

* Норматив талаблар: Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва қоидалар.

* Базел келишувлари: Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро стандартлари.

7. Ахлоқий мулоҳазалар:

* Масъулиятли кредитлаш: кредитларни фақат уларни тўлай оладиган қарз олувчиларга бериш.

* Шаффофлик: кредитлар ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотларни тақдим этиш.

* Ҳалоллик: ахборот ва ноқонуний фаолиятни манипуляция қилишдан бош тортиш.

Юқорида келтирилган назарий асосларни тушуниш ва чуқур ўрганиш банкларда кредит портфелини бошқаришда кредит рискларини баҳолашга, фойдали ва барқарор кредит портфелларини яратишга ва тартибга солувчи талабларга тўлиқ жавоб беришга ёрдам беради.

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялари уларнинг кредит портфелида ўз ифодасини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса, кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкин.

Тижорат банклари томонидан кредит портфелининг сифат бўйича тавсифи кредитларнинг қайтарилиши ва кредит рискини қисқартиришни таъминлашда қўлланилади [2].

Кредит портфелининг моҳиятини очиб беришда қуйидаги омилларни инобатга олиш зарур. Булар:

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитдан фойдаланиш муддати;
- кредитнинг ҳажми ва таъминланганлиги;
- миқдорнинг молиявий ҳолати, мулк шакли в.б. [2].

А.Азларова ва М.Абдурахманова тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқаришда қуйидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайдилар:

- банк активлари сифати устидан доимий, таъсирчан мониторинг олиб бориш, банк активлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва бартараф этиш механизмини мустаҳкамлаш;

- банкларда активларни кенг диверсификация қилиш, кредит портфелини соғломлаштириш орқали таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб уларга зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;

- банк тизимига оид қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш;

- муаммоли кредитларни бошқаришнинг янги усулларини шакллантириш;

- активлар сифатини таъминлашни назорат қилиш, бунда кредит портфелида яхши кредитлар улуши 90 фоиздан кам бўлмаслиги, муддати ўтган кредитлар миқдорини минималлаштириш, кредит портфели таркибининг тасдиқланган кредит сиёсатига мослиги (соҳалар, ҳудудлар ва муддати бўйича) каби масалаларни назорат қилиш;

- банк кредит сиёсати ва кредитлаш тамойиллари шартларига риоя этилишини назорат қилиш [3].

В. Усоскиннинг фикрига кўра, банкнинг кредитлардан оладиган даромадлари бевосита рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг кредит портфели рискларнинг барча асосий турларига: ликвидлилик rischi, фоиз rischi, кредит riskига мойилдир [4].

Шундай қилиб, тижорат банкларининг кредит портфели турли хил кредит рискларига асосланган, муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси бўлиб, уни самарали бошқариш кредит рискларини ва умуман олганда, банк рискларини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини самарали ташкил қилиш ва унинг сифатини таҳлил қилиш банклар фаолиятини олиб боришда муҳим ўрин эгаллайди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таҳлил натижаларига кўра, тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш амалиёти билан боғлиқ муаммолар асосланган. Таҳлил жараёнида тизимли ёндашув, маълумотларни умумлаштириш, ситуацион ва структуравий усуллардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқаришда қандай кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиниши ва ўрганилиб борилишини қуйида батафсил тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

1. Кредит ажратиш бўйича фаоллик коэффиценти (loans expansion ratio (LE)).

Кредитни ажратиш бўйича фаоллик коэффиценти банк кредит портфелининг ўсиш суръатларини ўлчайдиган кўрсаткичдир. Бу банкнинг янги кредитларни қанчалик фаол бераётгани ва унинг кредитлаш фаоллиги қанчалик тез ошиб бораётганини кўрсатади.

Мазкур кўрсаткич ўзида қуйидагиларни ифода этади:

* Ўсиш потенциали: Кредит ажратиш бўйича фаолликнинг юқори коэффиценти банкнинг янги кредитлаш имкониятларини фаол излаётганини ва кучли ўсишни бошдан кечираётганини кўрсатиши мумкин.

* Риск: Кредит ажратиш бўйича фаоллик коэффиценти юқори бўлган банклар кўпроқ таваккал қилишлари мумкин. Бунда умумий иқтисодий вазият ва берилган кредитлар сифатини ҳисобга олиш муҳимдир.

* Бозор шарт-шароитлари: Юқори кўрсаткич кредитга талаб кучли бўлган соғлом иқтисодиётни ҳам кўрсатиши мумкин.

Мазкур кўрсаткич банк активларининг қанча қисми кредитларга йўналтирилганлигини аниқлаш, агар ушбу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлса банк агрессив сиёсат, 50-60 фоиз оралиғида бўлса оптимал сиёсат ва 40 фоиздан кам бўлса консерватив сиёсат юритаётганлигини кўрсатади.


1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари ва кредитлари динамикаси (1 январь ҳолатига) [5]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2020	2021	2022	2023	2024
1.	Активлар, млрд.сўм	272726,90	366121,10	444922,50	556746,30	652157,10
2.	Кредитлар, млрд.сўм	211580,50	276974,80	326385,60	390048,90	471405,50
3.	Кредитларнинг активлардаги улуши, % ҳисобида	77,6	75,7	73,4	70,1	72,3

2024 йил 1 январь ҳолатига мазкур кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 фоизга ошган ҳолда 72,3 фоизни ташкил этди ва бундан республикамиз тижорат банклари кредитлаш фаолияти бўйича агрессив сиёсат юритаётганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, банк кредит портфели 2023 йилнинг мос даврига (390,049 трлн.сўм) нисбатан 81,357 трлн.сўм ёки +17,26 фоизга ошиши натижасида 471,405 трлн.сўмни ташкил этганлиги банкнинг агрессив сиёсат юритаётганлигидан далолат беради.

Қуйидаги 1-расм маълумотлари орқали АТ “Алоқабанк”нинг кредит ажратиш бўйича фаоллик коэффицентини кўриб ўтамиз.



1-расм. АТ “Алоқабанк” активлари ва кредитлари динамикаси
(1 январь ҳолатига) [6]

АТ “Алоқабанк” кредит портфелининг банк активлардаги улуши 2020-2022 йиллар ва 2024 йил бошига нисбатан 60 фоиздан юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур йилларда банк кредитлаш борасида агрессив сиёсат ва фақатгина 2023 йил бошига нисбатан бу кўрсаткич оптимал сиёсат олиб борилганлигидан далолат беради.

01.01.2024 йилга нисбатан АТ “Алоқабанк” активлари миқдори 01.01.2023 йилга нисбатан - 785,30 млрд.сўмга камайган бўлсада, банкнинг кредит портфели миқдори мос даврга нисбатан 1131,9 млрд.сўмга ошган.

Банкларда кредит ажратиш бўйича фаоллик коэффицентини ҳисоблашда ва унга амал қилишда қуйидагиларни инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

* Вақт оралиғи: кредитни ажратиш бўйича фаоллик коэффицентининг узоқ муддатли бўлиш тенденцияларни тушуниш учун чорак ёки йил каби маълум бир вақт оралиғида ҳисоблаб бориш.

* Соҳалар бўйича таққослаш: соҳалар бўйича кредит ажратиш бўйича фаоллик коэффицентини ҳисоблаб бориш банк учун қимматли ва керакли маълумотларни тўплаб бориш имконини беради.

* Кредитларнинг сифати: нафақат кредитни ажратиш бўйича фаоллик коэффицентига қараш, балки берилган кредитларнинг сифатини баҳолаш ҳам муҳимдир. Кўп сонли ишламайдиган кредитлар билан ҳисобланган юқори кўрсаткич огоҳлантириш белгиси бўлиши мумкин.

2. Кредитлар сифати коэффицентини (quality of loans (QL)).

Мазкур кўрсаткич банк кредит портфели таркибида муддати ўтган кредитларнинг улушини акс эттириб, ушбу кўрсаткич 5 фоиздан ошмаслиги ва бунга мувофиқ кредитлар сифати QL 95 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Кўрсаткичнинг белгиланган меъёрдан паст ҳолатда бўлиши кредит портфели ҳолатининг салбий ҳолатда эканлигини аниқлашчи сигнал ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муаммоли кредитлари (NPL) (1 январь ҳолатига) [5]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2020	2021	2022	2023	2024
1.	Кредитлар, млрд.сўм	211580,5	276974,8	326385,6	390048,9	471405,5
2.	Муаммоли кредитлар (NPL), млрд.сўм	3169,1	5784,8	16974,0	13992,4	16621,4
3.	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, фоизда	1,5	2,1	5,2	3,6	3,5

2024 йил 1 январь ҳолатига республикамиз тижорат банкларида 90 кундан ошган муддати ўтган кредитлар (NPL) 16,621 трлн.сўмни ташкил қилиб, жами кредит портфелнинг 3,5 фоизини ташкил қилди.

2019-2023 йилларда банкларнинг кредит портфели миқдори 2,2 баробарга ошган бўлса, мос даврда муаммоли кредитлар миқдори 5,2 баробарга ошган. Шунингдек, 01.01.2020 йилга нисбатан 01.01.2024 йилда кредит қўйилмалари 55 фоиздан юқори бўлган бўлса, 01.01.2020 йилга нисбатан 01.01.2024 йилда муаммоли кредитлар қарийб 81 фоизга ошган.

Қўйидаги жадал маълумотлари орқали банкларда муаммоли кредитлар юзага келишида таъсир этувчи айрим омилларни солиштирма таҳлил тарзида ўрганиб чиқамиз.

3-жадвал

Банк мажбуриятлари кўрсаткичининг банк кредит портфелига нисбати (01.01. ҳолатига) [5]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2020	2021	2022	2023	2024
1.	Олинган кредитлар ва лизинг, млрд.сўм	105 252,20	151 704,00	173 750,30	186 614,50	224 350,70
2.	Кредитлар, млрд.сўм	211 580,50	276 974,80	326 385,60	390 048,90	471 405,50
3.	Олинган кредитлар ва лизингнинг банклар кредит портфелига нисбати, фоиз ҳисобида	49,7	54,8	53,2	47,8	47,6

Бизга маълумки, банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг манбаси банк пассивида шаклланади. Банк мажбуриятлари таркибида олинган кредит ва лизингнинг улуши 2020 йил 1 январь ҳолатига 47,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 40,4 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг энг юқори улуши 01.01.2021 йилда қарийб 50 фоизга яқинлашиб, 49,3 фоизни ташкил этган (<https://cbu.uz/oz/statistics/>).


Банк мажбуриятлари таркибидаги олинган кредит ва лизинг бу Марказий банк ва бошқа банклардан, Ҳукуматдан, Молия вазирлиги ҳузуридаги ва бюджетдан ташқари жамғармалардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан ва бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача) ва узоқ муддатли (олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга)

кредитлар, бошқа банклар ва лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат дастурлари доирасида Ҳукумат ва давлат жамғармалари ҳисобидан банклар орқали иқтисодиёт субъектларига имтиёзли давр асосида ҳамда паст фоизларда (одатда, 14 фоиз) кредитлар тақдим этилмоқда. Мазкур кредитлар ҳам тижорат банкларида қайтмаган ҳолларда муаммоли кредитлар қаторига киритилган ҳолда уларга нисбатан заҳиралар яратилмоқда. Мазкур ҳолат эса, ўз навбатида банк маблағларининг яратилган заҳиралар ҳисобига камайишига ҳамда рискка тортилган активлар салмоғининг ошиши натижасида регулятив капитал етарлилиги кўрсаткичларининг бажарилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, давлат жамғармалари ҳисобдан банклар орқали ажратилаётган кредитларни муаммоли кредитларга айланиш ҳолати юзага келганда банкларга уларга нисбатан заҳиралар яратишга ва юқори рискли активлар қаторига киритмаслиги юзасидан банкларга енгилликлар берилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Қўйидаги расм маълумотлари орқали АТ “Алоқабанк” кредит портфелининг сифат жиҳатдан таркибини кўриб ўтаемиз.



2-расм. АТ “Алоқабанк” кредит портфели сифати таркиби (2023 йил 31 декабрь ҳолатига) [6]

Юқоридаги расм маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, АТ “Алоқабанк”нинг кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар миқдори 156,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, салмоғи 1,52 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат банк учун ижобий ҳисобланади. Стандарт ва субстандарт кредитлар салмоғи эса, банк кредит портфели таркибида 2023 йил 31 декабрь ҳолатига қарийб 98,5 фоизни ташкил этган.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш мақсадида банклар қўйидаги чоратадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Сифатли кредит таҳлилини ўтказиш: Банклар муаммоли кредитлар пайдо бўлиш хавфини камайтириш учун кредит беришдан олдин қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини синчковлик билан таҳлил қилишга ҳаракат қилишлари керак.

- Кредит чекловларини ўрнатиш: Банклар қарз олувчининг молиявий аҳволига қараб, улар олиши мумкин бўлган максимал кредит миқдорига чекловлар ўрнатиши керак.

- Кредит гарови: Банклар рискни камайтириш учун қарз олувчилардан кредит таъминотига юқори ликвидли гаров талаб қилишлари керак.

- Кредитни реструктуризация қилиш: Кредитни қайтариш билан боғлиқ муаммолар юзага келган тақдирда, банк қарз олувчига кредит шартномасини қайта тузишни таклиф қилиши мумкин, масалан, тўлов миқдорини камайтириш ёки кредит муддатини узайтириш.

- Қарзни ундириш: Агар қарз олувчи қарзни тўлай олмаса, банк қарзни ундириш учун судга ёки бошқа органларга мурожаат қилиши керак.

3. Тижорат банки кредит портфелини диверсификация қилиш.

Тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоқ корхоналарида тўпланиб қолмаслиги керак.

Кредит портфелининг тармоқ хусусиятига кўра диверсификациялаш бўйича меъёрий даража 25% бўлсада, кўпчилик АҚШ банкларида ушбу меъёрий чегара 10% қилиб белгиланган.

Банк кредит хавфининг даражаси ва йўналишини, кредит портфелининг таркибини, шу жумладан унинг концентрациясини ҳамда бизнес йўналишлари, иқтисодий тармоқлар ва маҳсулотлар бўйича диверсификация мақсадларини белгилаши керак.

Диверсификация сўзи латинча «diversificatio» сўзидан олинган бўлиб, ўзгариш, хилма-хил, тараққиёт маъносини, яъни корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туришини билдиради.

4-жадвал


Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар (тармоқлар бўйича) [5]

№	Кўрсаткичлар	Йил давомида				
		2019	2020	2021	2022	2023
1.	Саноат	30,8	32,7	30,9	29,6	26,6
2.	Қишлоқ хўжалиги	10,0	14,8	12,7	7,9	5,8
3.	Қурилиш	3,9	3,9	4,1	3,9	2,7
4.	Савдо ва умумий овқатланиш	9,3	14,4	16,2	14,9	12,1
5.	Транспорт ва коммуникация	6,9	3,4	3,8	3,6	3,8
6.	Жисмоний шахслар	18,8	22,4	24,4	32,1	39,9
7.	Бошқалар	20,2	8,5	8,0	8,0	9,0

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар юқори ўсиш тенденциясига эга. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар тармоқлар бўйича олганда 2019 йил давомида 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда +21,1 фоизга ўсган ҳолда 39,9 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 ва 2023 йилларда энг юқори кўрсаткични ташкил этган.

Шунингдек, 2023 йилда 2019 йилга нисбатан саноатга ажратилган кредитлар - 4,2 фоизга, қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар ҳам - 4,2 фоизга, қурилиш соҳасига ажратилган кредитлар - 1,2 фоизга ҳамда транспорт ва коммуникация тармоғига ажратилган кредитлар мос равишда -3,1 фоизга камайган.

Мазкур ҳолат бугунги кунда банкларда корпоратив бизнесга қараганда чакана бизнес соҳаси ривожланиб бораётганлигидан ҳамда бу соҳада кредитларга нисбатан талаб ошиб бораётганлигидан далолат беради.



3-расм. АТ “Алоқабанк” чакана кредит турлари бўйича қолдиғи
(2023 йил 31 декабрь ҳолатига) [6]

АТ “Алоқабанк” томонидан 2023 йил 31 декабрь ҳолатига чакана кредит турлари бўйича қолдиқда берилган автокредитлар юқори салмоққа эга. Автокредитга берилган маблағлар чакана кредитлашда қарийб 60 фоизни улушни ташкил этмоқда. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар таркибида кейинги ўринларда ипотека кредити 21,8 фоизни ва микроқарзлар 15,4 фоизни ташкил этмоқда.

Шунингдек, 2023 йил 31 декабрь ҳолатига АТ “Алоқабанк” чакана кредитларининг муддати бўйича таснифига эътибор қаратадиган бўлсак, узоқ муддатли кредитлар 3031,2 млрд.сўм яъни 98,4 фоизни ҳамда қисқа муддатли кредитлар 50,2 млрд.сўм яъни атиги 1,6 фоизни ташкил этмоқда. АТ “Алоқабанк”да чакана кредитлар бўйича ўртача йиллик фоиз ставкаси мазкур даврда 22,3 фоизни ташкил этган.

Диверсификациянинг муҳим хусусиятлари шундаки: биринчидан, диверсификация ҳамма вақт рискни хўш кўрмайдиган банклар учун қулай келади,

чунки у рискни камайтиради; иккинчидан, ҳар хил кредит бўйича фойда ҳаракати қанча кам мос келса, рискни камайтириш ҳисобига диверсификациядан шунча кўп наф кўриш мумкин. Диверсификацияланган портфель - бу риск жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмаган кичик кредитлар тўпламини ўзида мужассамлаштиради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Банкнинг кредит сиёсати ва кредит портфелини таҳлил қилишнинг асосий мақсади ссуда бўйича асосий қарз ва у бўйича фоизларни ўз вақтида тўлашга эришишдан иборат. Албатта, барча кредитлар бўйича маълум бир сабаб билан тўлай олмаслик шароити юзага келиши мумкин. Агар банк кредитни фақат жуда ишончли миқдорга берадиган бўлса, унинг юқори фойда олиши имконияти қисқариши мумкин. Шунинг учун биз олдин таъкидлаб ўтганимиздек, банкнинг кредит сиёсати эҳтиёткорлик билан банк ресурсларини оқилона жойлаштириши асосида юқори фойда олиш ўртасидаги балансни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Мазкур мақолани ёритиш жараёнида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Банк активларининг кредитларга йўналтирилганлиги 60 фоиздан юқори бўлса банк агрессив сиёсат, 50-60 фоиз оралиғида бўлса оптимал сиёсат ва 40 фоиздан кам бўлса консерватив сиёсат юритаётганлигини англатади.

2. Кредит портфелининг тармоқ хусусиятига кўра диверсификациялаш бўйича меъёрий даража 25 фоиздан оширмаслик лозим деб ҳисоблаймиз.

3. Муаммоли кредитларни бартараф этиш мақсадида сифатли кредит таҳлилинини ўтказиш, юқори ликвидли гаров талаб қилиш, кредитни реструктуризация қилиш ва кредит чекловларини ўрнатиш керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.
2. Abdullaeva Sh., Azizov U. Bank ishi. Darslik. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019 у. - 536 bet.
3. А.А. Азларова, М.М. Абдурахманова. Тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқариш масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил.
4. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – 2019 - 328 стр.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг статистик бюллетени. - 2020-2024 йиллар.
6. www.aloqabank.uz – АТ “Алоқабанк”.